



ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ



эркин тадқиқотчи, и.ф.н., доц. М.М.Ташходжаев

Аннотация: Мақолада олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг замонавий назариялари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилган Олий таълим муассасаларида молиявий менежментни ривожлантириш назарий асослари тадқиқ этилган. Олий таълим муассасаларини ривожлантиришда эътибор берилиши лозим бўлган устуворликлар ва стратегик йўналишлар таҳлил этилган ва илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: олий таълим муассасаси, молиявий менежмент, молиялаштириш, молиявий мустақиллик, таълим тўлови, олий таълим бозори

Кириш

Ўзбекистонда олий таълим тизими ижтимоий соҳанинг бир қисми сифатида фаолият олиб боришини қайд этсак, олий таълим тизими харажатларига сарф этилаётган бюджет маблағлари сезиларли улушга эга. Ўз навбатида, олий таълим муассасалари молиявий фаолиятида бюджетдан ташқари маблағлар ҳажмини ошириши заруриятини юзага чиқаради.

Жумладан, юқори малака талаб этадиган соҳалар учун тажрибали ишчи кучини шакллантириб бериш олий таълимнинг зиммасига тўғри келади. Бизнинг асримизда кенг кўламли рақобат муҳитида салмоқли натижаларни қайд этиш олий таълимнинг фаолиятига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Ушбу вазифанинг муҳим жиҳатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев қуйидаги устуворликларни қайд этиб ўтган: “Шу билан бирга, биз учун зарур бўлган мутахассисликлар бўйича таълим олиш ва кадрлар малакасини ошириш ишларини кенг кўламда йўлга қўямиз [1]”.

Бизнингча, ишчи кучи бозорида шиддат билан ривожланаётган рақобат шароитида инсонлар ўзларининг малака ва тажрибаларини мустаҳкамлаш учун олий таълимга бўлган талаблари ошиб боради. Ўз навбатида, меҳнат бозоридаги мувозанат ва рақобатни барқарорлаштиришга хизмат қилувчи олий таълим муассасалари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишни талаб этади. Мамлакатимиз ривожланган давлатлар гуруҳига қўшилиши учун ислоҳлар амалга оширар экан, демак, олий таълим тизимини маблағлар билан тамъинлаш механизмининг янада кенгайтиришни ва ривожлантириш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистонда 2017 йилда бошланган ислохотлар олий таълим тизимини ҳам қамраб олмоқда. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил

4947-сонли Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси қабул қилиниши олий таълим тизимини ривожлантириш стратегиясини янги босқичга олиб чиқди. Мазкур стратегиянинг қабул қилиниши билан қуйидаги йўналишларга устуворлик берилди: таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармони қабул қилинганлиги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Бизнингча, олий таълим тизимини ривожлантириш стратегияси икки турдаги масалани амалга ошириш билан ўз аксиини топади. Улар: академик мустақиллик ва молиявий мустақиллик. Ушбу икки омилнинг таъминланишига эришиш стратегик ривожланишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Адабиётлар таҳлили

Таълим тизимини ривожлантиришнинг муҳим жиҳати – бу камбағалликни бартараф этишга имкон беришидир. Бу борада, профессор В.Квинтнинг “Стратегиялаш назарияси ва амалиёти” асарида камбағаллик таълим даражаси билан тескари боғлиқлиги таъкидлаб ўтилади [2]. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда камбағалликни олдини олишнинг асосий стратегияси сифатида таълим тизимини олиш мумкин.

Шунингдек, 2019 йил иқтисодиёт йўналишида Нобел мукофоти совриндорлари Абхижит Банержи, Эсзер Дуфло ва Майкл Креймер “глобал қашшоқликни бартараф этиш” мавзусида олиб борган ва ишлаб чиққан илмий хулосалари ривожланаётган мамлакатлар учун муҳим ҳисобаланишини қайд этиш мумкин [3]. Улар қашшоқликка қарши курашда ҳукуматлар томонидан амалга оширилаётган ислохотларни баҳолашга эришишган. Ушбу тадқиқот доирасида мактаб таълими, болалар соғлиғи ва микромолиялаш тизими таҳлил этилган. Уларнинг тадқиқотларида ҳам камбағалликни бартараф этишга қаратилган замонавий хулосалар келтирилган.

Зотан, 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистонда камбағалликни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Бу борада, 2020 йил 24 январда давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномада “аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш – биз учун бош вазифалардан бири бўлиб қолади.

Худудларда, айниқса, қишлоқларда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмаслиги сир эмас. Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этади. Бу ўринда гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда” деб таъкидлаб ўтди.

Шу боисдан, жаҳоннинг етакчи олимлари томонидан эътибор қаратилган камбағаллик омилига мамлакатимизда ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўз

навбатида, таълим тизимини ривожлантириш орқали ушбу омилни сезиларли даражада камайтириш имкони мавжудлиги олимлар томонидан қайд этилганлиги диққатга сазовордир.

Ўзбекистон ва жаҳоннинг кўплаб олимлари олий таълим муассасаларини молиялаштиришда мустақилликнинг аҳамияти ва академик мустақилликнинг зарурати тўхрисида хулосалар билдириб ўтишган.

Брлашган Миллатлар ташкилоти мутахассислари илмий хулосаларига кўра, таълим соҳаси учун сарф этиладиган давлат маблағларининг ЯИМга нисбатан ҳажми ўртача 12 фоиз атрофида бўлиши мақсадга мувофиқ, шунингдек ўртача ривожланган давлатларда мазкур рақам 4,6 фоизга тенг бўлмоқда [4].

Фикримизча, халқаро тавсия этилган мезонлар ҳажми миқёсида таълим соҳасини молиялаштиришда таълим ва ишлаб чиқариш тармоқларининг молиявий интеграциясини ривожлантириш зарур.

Г.Даниела ва С.Жоханналар олий таълимнинг 75 та йўналишларининг рисклилик ва уларнинг манфаатдорлик миқёсини тадқиқ этиб ўтадилар [5]. Уларнинг илмий хулосаларига кўра, бир хил бўлмаган олий таълим йўналишлари бўйича эмас, аксинча олий таълим йўналишлари юзасидан ҳам молиявий механизмлар турлича бўлар экан. Шу билан бирга, олий таълимнинг молиявий жиҳатдан жозибадор бўлиши гендер тенглиги бўйича ҳам шаклланишини таъкидлаб ўтадилар. Хулоса қилиб айтганда, олий маълумот олишнинг манфаатдорлик даражаси ўқиш учун шартнома тўловлари ҳажмига таъсир қилар экан.

Европа давлатларида олий маълумот олиш таълим йўналишларидан ёки бошқа жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда тўловлар ҳажми шаклланади. Бу борада, Валкер ва Зуларнинг илмий хулосалари қуйидагича акс этади [6]: Ижтимоий фанлар, иқтисодиёт ва ҳуқуқшунослик, тиббиёт олий таълим йўналишлари талабгирлиги боис, бошқа таълим йўналишларига нисбатан молиявий қайтим даражаси юқори эканлиги билан эътиборга молик эканлиги асослаб берилади.

Б.Креиг ва А.Джонлар томонидан олий таълим харажатлари давлат бюджети маблағлари ҳисобига қопланиши анъанавий тенденция эканлиги таъкидлаб ўтилади [7]. Аҳолининг барча қатлами учун олий маълумот олиш имкони бўлганда жамият аъзоларининг таълим олиш даражаси ва қамрови ошиб боради. Бу эса ўз навбатида, олий таълим олишга истаги бўлган инсонлар томонидан қўшимча қиймат яратиш миқёси ўртамиёна маълумот олганларга қараганда юқори бўлиши қайд этилади.

Бизнингча, олий таълим муассасаларининг мамлакат миқёсидаги расмий рейтинги ҳамда бошқа ютуқларини инобатга олган ҳолда таълим учун тўловларни шакллантиришнинг ихтисослашган услубият орқали белгилаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Таъкидлаш лозим, олий таълим муассасасига тўланадиган таълим тўлови билан ўқитувчиларнинг ойлик маошлари ва уларни моддий рағбатлантириш ўртасида боғлиқлик кўзда тутилиши лозим. Бу ҳам бюджет маблағларининг роли ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини аниқлатади.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистонда олий таълим тизимини кучли ва кучсиз томонларини таҳлил этиб қуйидаги ҳолатни кўришимиз мумкин:

Кучли томонлари (Strongness):

1. Олий таълимда илғор илмий мактабларнинг яратилганлиги. Ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва олий таълим муассасалари тизимида нафақат Ўзбекистон миқёсидаги олимлар балки, халқаро даражадаги математика, физика, тиббиёт ва иқтисодиёт йўналишларида олимлар ва уларнинг мактаблари шаклланиши бунга мисол бўлади. Мазкур ҳолатнинг мавжудлиги олий таълим тизимида ишончли ўқув адабиётлари базаси тизимини шакллантиришга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

2. Марказий Осиёнинг марказида жойлашганлиги қўшни давлатлардан талаба жалб этиши мумкин. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Марказий Осиёнинг марказида жойлашганлиги олий таълим муассасаларига абитуриентларни жалб этишга имкон беради. Бунда мамлакатимизнинг туристик ва ижтимоий инфратузилма нуқтаи назаридан юқори имкониятларга эга эканлиги қайд этилса, бошқа жиҳатдан Ўзбекистонда турли хорижий давлатлар олий таълим муассасалари филиаллари фаолият олиб боради. Шунингдек, инглиз тили ва рус тили билан бирга қардош халқлар она тилида ҳам таълим олишлари алоҳида аҳамиятга молик.

3. Охириги йилларда олий таълим тизимида либераллаштириш сиёсати амалга оширилаётганлиги муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бу эса, аҳолининг ўсиб бораётган тенденцияси шароитида олий таълим муассасалари сонини ҳам ошириш монандилигини англатади. Ўз навбатида, вилоят ва ҳудудларда жойлашган ОТМ филиалларини мустақил муассасага айлантириш мумкинлиги ҳам ушбу ислохотларнинг тадрижийлигини таъминлашга хизмат қилади. Ушбу ислохот биринчидан, филиалларни мустақил ОТМга айланишига имкон яратиб берса, иккинчидан ОТМ ва филиал ўртасидаги ўзаро бошқарув нуқтаи назаридан боғлиқликни эмас, балки ўзаро рақобат муҳитини шакллантиришга ёрдам беради.

Кучсиз томонлари (weakness):

1. Халқаро рейтинг агентликлари томонидан рейтинг олмаганлиги. Халқаро даражадаги Times Higher Education (THE) ва Quacquarelli Symonds рейтинг агентликлари томонидан Ўзбекистон олий таълим муассасалари дунё олий таълим муассасалари рейтингларида қайд этилганича йўқ. Бу эса, олий таълим муассасаларининг халқаро жозибардорлигига салбий таъсир этиши мумкин. Ўз навбатида, хорижий фуқаро-талабаларни жалб этишда бир қатор мураккабликларни келтириб чиқариши мумкин. Шундай бўлсада, QS EESA University Ranking 2021 бўйича Ўзбекистондан 4та олий таълим муассасаси қайд этилганлиги қувонарли ҳолат албатта. Булар Ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш институти, М.Улуғбек номидаги Миллий университет, Тошкент давлат техника университети ва Самарқанд давлат университети каби олий таълим муассасалари мазкур рейтингдан жой олди.

2. Квота белгиланишининг мавжудлиги. Мамлакатимиз олий таълим тизимида қабул қилинадиган талабалар сонининг олдиндан белгилаб берилиши таълим муассасаларида рақобат кайфиятини шакллантиришга ёрдам бермаган. Квота механизмнинг мавжудлиги олий таълим муассасаларининг таълим бозорида

мижозлар учун курашишга чорламаган, аксинча аниқ талабни шаклланиши билан харакатсизликни келтириб чиқарган. Бу эса ўз навбатида олий таълим муассасаларига қабул квоталарини шакллантириш ва уларнинг миқдорини белгилашда мустақиллик элементини оширишга бўлган заруратни кўрсатиб беради.

3. Академик мустақилликнинг мавжуд эмаслиги. Олий таълим муассасалари томонидан таълим йўналишлари (бакалавриат ва магистратура)га қабул жараёнларини белгилай олмаслиги. Таълим йўналишларини киритиш ва улар бўйича қабул эълон қилиш учун олий таълим муассасаси юқори турувчи тегишли ташкилотлардан рухсат олиш лозим бўлади. Бу эса, ўз навбатида маълум бир вақтни талаб этади. Ушбу ҳолат қуйидаги мураккабликларни келтириб чиқаришга сабаб бўлиши мумкин. Биринчидан, давлат олий таълим муассасалари мустақил равишда олий таълим бозорида рақобатда иштирок эта олмайди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда хорижий олий таълим муассасаларининг филиаллари билан бирга, хусусий олий таълим муассасалари фаолияти жадал ривожланмоқда. Уларнинг устунлик жиҳати таълим йўналишига қабул эълон қилишда ортиқча вақт талаб этилмаслиги. Бу эса олий таълим муассасасини тез муддатларда таълим бозори талабларига мослашувчанлигини таъминлашга хизмат қилади. Бизнингча, ушбу ҳолатда давлат ОТМларининг нодавлат олий таълим муассасалари билан рақобат қила олиши учун шарт-шароит яратиш муҳим ҳисобланади. Шу боисдан, таълим йўналишларини жорий этиш ва у бўйича қабул эълон қилишни олий таълим муассасаси кенгаши (ёки васийлик кенгаши) ваколатига бериш долзарб ҳисобланади. Фикримизча, олий таълим муассасаси кенгаши ваколатида таълим йўналишларини жорий этиш ва қабул миқдорини белгилаш бўйича мезонларни белгилаш, тегишли фаолият тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, таълим йўналиши университет кенгаши (ёки вайсийлик кенгаши) томонидан жорий этилгандан сўнг тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш ва классификаторга киритишни белгилашни ўзи етарли. Шунда параллел равишда янги қабул жараёни ва давлат рўйхатидан ўтказиш амалга ошиши мумкин.

Бошқа жиҳатдан эса, ўқув режа, ўқув дастурлари таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқланиб бошқа турдош бўлган муассасаларга берилиши улар ўртасидаги рақобат муҳитига салбий таъсир этади. Таянч бўлган ОТМ шу йўналишда бакалавр тайёрлайдиган бошқа муассасага қандай фаолият олиб боришни пассив равишда белгилаб бермоқда десак, хато бўлмайди. Масалан, “Иқтисодиёт” йўналишида ўқув режани ишлаб чиққан муассаса шу йўналишда қандай фанлар ўқитилиши белгилаб беради ва ушбу фанлар бўйича ўқитиладиган мавзуларни ҳам ишлаб чиқади. Натижада, турдош бўлган ОТМ таянч муассаса белгилаган доирада фаолият олиб боришига мажбур бўлади. Ушбу ҳолатда давлатнинг икки олий таълим муассасасида тайёрланадиган битта бакалавр йўналиши бўйича рақобат вужудга келмайди. Бизнингча, ўқув режа ва унинг тартибини белгилашни ҳам олий таълим муассасалари ваколатига тўлиқ ўтказиб бериш айтиш мумкин бўлади. деб ўйлаймиз.

4. Молиявий мустақилликнинг мавжуд эмаслиги. Молиявий мустақиллик борасида қатор ишлар амалга оширилганлиги қарамасдан бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина деб ҳисоблаймиз. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги “Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида”ги 967-сонли қарори асосида 10 та ОТМ тажриба-синов тариқасида ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилди. Қоидага кўра, тўлов шартнома қийматини мустақил белгилаш, иш ҳақларига устама белгилаш каби ҳолатлар муассаса бошқарув органи ваколатига берилди. Мазкур тенденциянинг ривожланиши олий таълим муассасаларини ривожлантиришнинг янги босқичини ўзида акс эттирсада. 100 дан ортиқ ОТМларда молиявий мустақилликни таъминлаш долзарб бўлиб қолади. Шу боисдан, молиявий кўрсаткичларни бошқариш ва улар барқарорлигини таъминлашда ваколатлар тақсимоти муҳим рол ўйнайди.

5. Таълим йўналишларини жорий этишнинг марказлашганлиги. Юқорида қайд этиб ўтганимиздек олий таълим муассасаларида бакалаврият ва магистратура мутахассисликлари тегишли равишда юқори орган томонидан белгиланади. Бу эса, олий таълим муассасалари бошқарувнинг марказлашган ҳолда амалга оширишни сақлаб қолинишига олиб келади. Натижада, олий таълим бозори рақобат муҳитига салбий таъсир этади, деб ўйлаймиз.

6. Контракт тўловларининг белгиланиши марказлашганлиги. Маълумки, давлат қабул қомиссияси томонидан талабалар учун тўлов шартнома қиймати марказлашга ҳолда белгилаб берилади. Бу эса, олий таълим муассасаларида молиявий механизмлар орқали рақобат қилиш имкони юзага келмайди. Шу боисдан, молиявий ваколатларнинг номарказлашувини таъминлашнинг долзарблиги кишида шубҳа уйғотмайди.

Имкониятлари (Opportunities):

1. Академик мустақилликни жорий этиш шарт-шароитининг мавжудлиги. Мамлакатимизда давлат олий таълим муассасаларида муассаса кенгаши институтининг шаклланганлиги ва унинг фаолиятини амалга ошириш бўйича тўпланган тажриба академик мустақилликни амалга оширишга имкон беради. Бу борада, кенгашлар томонидан ҳозиргача олий таълим муассасасини ривожлантиришнинг қисқа муддатли стратегияларини тасдиқланиб келинганлиги узоқ муддатли стратегияларни ҳам амалга ошириш мумкинлигини қайд этиш мумкин. Кенгаш ваколатларида академик мустақилликни таъминлаш имкониятининг вужудга келиши молиявий мустақилликни ҳам яратиб беришга шарт-шароитни яратиб беради.

2. Халқаро рейтингга кира олиши. Халқаро даражада профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг жалб этиш имконияти мавжудлиги олий таълим муассасаларида халқаро эътирофга лойиқ эканлигини акс эттириб беради. Айни кунга қадар мамлакатимиз олий таълим муассасаларидан 4 таси QS Rankingда Марказий Осиё ва шарқий Европа мамлакатлари бўйича кучли 400 талиқда қайд этилганлиги Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг имкониятларини кўрсатиб беради.

3. Молиявий мустақилликни жорий эта олиши. Ҳозиги кунда олий таълим тизимидаги кенг қамровли ислохотларда молиявий инструментиладан

фойдаланиш имконияти мавжудлигини кўрсатмоқда. Масалан, профессор-ўқитувчиларнинг иш ҳақларини табақлаштиришни муассасалар кесимида турли хилда бўлиши ёки тўлов шартнома қийматининг рақобат шароитида келиб чиққан ҳолда белгиланиши кабилар шулар жумласига киради.

Таҳдидлар (Threats):

1. Нодавлат олий таълим муассасаларининг сони ортаётганлиги. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишнинг айна даврида олий таълим бозори қамровининг эркинлашаётганлиги айна муҳим тенденция ҳисобланади. Бошқа жиҳатдан олиб қараганда, нодавлат олий таълим муассасаларининг ортаётганлиги давлат ОТМлари ваколатларини рақобат бозорида эркин фаолият олиб боришга мослаштириш долзарблик касб этиши ҳам юзага чиқмоқда. Бу эса, давлат олий таълим муассасалари рақобатбардошлик даражасига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Натижада, давлат олий таълим муассасаларига бўлган ишончни сақлаб қолиш ва уни янада оширишга бўлган зарурат кун тартибининг бирламчи вазифасига айланмоқда.

2. Ностирификация жараёнларини соддалаштирилаётганлиги. Жаҳон олий таълим муассасалари халқаро рейтингининг дастлабки 1000талиги рўйхатида қайд этилган муассасаларни тамомлаган ўзбекистонлик фуқароларнинг дипломлари тўғридан-тўғри синовларсиз тан олиниш амалиёти киритилди. Бунинг натижасида Ўзбекистон олий таълим муассасаларига ўқишга кира олмаган абитуриентлар хорижий давлатларга олий маълумот олиш учун кетиб қолишига туртки бўлмоқда. Шунингдек, қамраб олиш миқёсининг пастлиги рақобат муҳитига салбий таъсир этиб қолмоқда.

3. Қўшни мамлакатларда контракт тўловларининг Ўзбекистонга нисбатан арзонлиги. Маълумки ўзбекистонлик оилаларнинг аксарият қисми шартнома тўловларини тўлашда даромадлар тенгсизлиги каби омилларга дуч келади. Бу бир жиҳатдан Ўзбекистонда таълим олишда тўлов қобилиятига таъсир этса, иккинчидан айрим оила фарзандлари олий маълумот олиш хорижий олий таълим муассасаларига кетиб қолаётганлигини кўрсатиб беради. Масалан, қўшни мамлакатларда олий таълим хизматлари нархи мамлакатимиздаги ҳолатга нисбатан бир неча баробар арзон эканлиги уларнинг жозибадорлигини ошириб бермоқда. Шу боисдан, олий таълим тўловлари ҳажмини белгилашда ОТМга мустақил берилиши рақобатнинг нафақат мамлакат миқёсида, балки халқаро миқёсда эътиборга олинишига имконият яратиб беради.

Таҳлил ва натижаларга илмий ёндашув

Юқорида амалга оширилган таҳлиллар Ўзбекистонда олий таълим тизимини ривожлантиришнинг зарурлигини кўрсатиб беради.

Бизнингча, Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантириш стратегиясида қуйидагиларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

1. Олий таълимда талабалар қабул қилишда квота тизимидан воз кечиш. Ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон олий таълим тизимининг ривожланишида муҳим тўсиқлардан бири бўлган квота амалиётининг шаклланиб қолганлигидир. Мазкур ҳолатнинг мавжудлиги икки фундаментал муаммони келтириб чиқаришга сабаб бўлган.

Биринчидан, олий таълимни қамраб олиш даражаси пасайишига олиб келган. 2016 йилга қадар Ўзбекистонда талабаларнинг умумий улуши олий таълимни олиш истагини билдирган абитуриентлардан бир неча баробар паст бўлган. натижада, Олий таълимни қамраб олиш миқёси 10 фоизга ҳам етмаган. 2020 йилга келиб мазкур кўрсаткич сезиларли даража ошиши кузатилмоқда. Масалан, Президентимиз “Олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илмли бўламан, деган, юрагида ўти бор, жўшқин ёшларимизнинг таҳсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратишимиз шарт. Шунинг учун мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2020 йилда камида 25 фоизга ва келгусида 50-60 фоизга етказамиз” деб қайд этдилар.

Иккинчидан, макроиқтисодий мувозонатга биноан ялпи талаб ва ялпи таклиф ўзаро балансда бўлиши тавсия этилади. Шундай бўлишига қарамасдан, олий таълим олиш истагини билдирганлар (ялпи талаб)ни тўлиқ қондириши учун етарли олий таълим муассасалари ва улардаги ўринлар сони (ялпи таклиф)ни шакллантиришга етарли эътибор қаратилмади. Натижада, Ўзбекистонлик абитуриентлар хорижий давлатларга олий таълим олиш учун кетишни бошладилар. Бу эса, таълим импортини ривожланишига шарт-шароитни юзага келтирди. Ушбу ҳолатнинг шаклланиши биринчидан, Ўзбекистондан хорижий валюта чиқиб кетишини, иккинчидан, юқори салоҳиятли кадрларни хорижга кетиб қолишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон Президенти 2020 йилда эълон қилинган Мурожаатномада “Ўзбекистонда олий таълим муассасалари сони кескин ошганлиги, жумладан, Олий таълимни ривожлантириш учун ўтган йили 19 та янги олий ўқув юрти, жумладан, 9 та нуфузли хорижий университетнинг филиали очилди. Етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликда 141 та қўшма таълим дастури бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Олий таълим муассасаларига жами 146 минг 500 нафар ёки 2016 йилга нисбатан 2 баробар кўп талаба ўқишга қабул қилинганлиги қайд этилди”.

Шу билан бирга, 2020 йил 1 январдан ўз-ўзини молиялаштиришга ўтиши белгиланган олий таълим муассасалари квоталарни босқичма-босқич мустақил белгилашлари муҳим қадамлардан биридир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги “Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида”ги 967-сонли қарори шуни назарда тутди.

Учинчидан, Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг халқаро рейтингларда ўрин олишига тўсқинлик қилди. Жаҳон тажрибасидан маълумки, олий таълим муассасалари халқаро рейтинглардан ўрин олишидан асосий мақсад талабаларни жалб этиш ва шу орқали молиявий барқарорликка эриши ҳисобланади. Бизнинг тажрибамизда эса, олий таълим муассасаларининг таълим бозорида рақобатлашишига заруратнинг йўқлиги юзага келтирилди. Бошқача айтганда, ҳар бир олий таълим муассасаси ўзи қабул қиладиган талабаларнинг сони (квота)нинг белгиланиши ОТМларни таълим бозорида мижоз учун қурашишга ундамади. Бу эса, ўзбек ОТМларига халқаро рейтингга киришдан манфаатдорликни йўқлигини юзага чиқариб берди. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019

йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармонида “Республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш” вазифаси белгиланган.

2. Ўзбекистон олий таълим муассасаларида таянч олий таълим муассасаси категориясининг сақланиб қолганлиги. Мазкур тенденциянинг шакланганлиги қуйидаги мураккабликларни юзага чиқариб берди:

Биринчидан, ОТМларнинг академик мустақиллиги йўқолди. Масалан, Тошкент молия институти 5230600-“Молия” таълим йўналишига таян ҳисобланиб, унинг ўқув режасини ишлаб чиқиши белгиланган. Бу эса, бошқа ОТМда ўқитиладиган худди шу йўналишдаги фанларнинг белгиланидан ташқари мустақил фанлар киритиш имконини бермаган. Натижада, ОТМлар ўртасида ўзаро рақобат қилиш учун фундаментал шароитлар яратилмаган.

Иккинчидан, ОТМлари мустақил таълим йўналишларини жорий этишга шароит мавжуд бўлмаган. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, ОТМ кенгашлари ўзлари мустақил тарзда бозор талабларидан келиб чиқиб мутахасислик номларини жорий этадилар ва бозор талабларига тез мослашишга эришадилар.

Шу боисдан, Президентимиз 2020 йилги ўз Мурожаатномаларида “Кадрлар малакасини халқаро меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадида миллий малака тизими ишлаб чиқилади. Ушбу тизим 9 мингга яқин касблар бўйича кадрлар тайёрлаш имконини беради” деб таъкидлаб ўтдилар.

3. Ўзбекистон ОТМларида молиявий мустақилликни тўлиқ таъминланмаганлиги.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўртасидаги 2015 йил 18 августдаги қўшма буйруғига кўра, олий таълимнинг “ўқитувчиларни тайёрлаш ва педагогика” таълим йўналишида бир йиллик ўқиш қиймати 5800 минг сўм¹ни ташкил этади. Агар биз талабаларнинг юқори стипендияси 439772 сўм²лигини инобатга олсак, унда ушбу йўналишда ўқийдиган талаба 12 ой ичида³ 5277264 сўм кўренишидаги пулни қайтариб олади. Демак, мазкур талаба тўлаган таълим тўловининг 91 фоизини қайтариб олмақда. Худди шундай ҳолатни энг юқори шартнома қийматли таълим йўналишида таҳлил этсак, талаба ўзи тўлаган таълим тўловининг 62 фоизини қайтариб олади.

Хулоса


Хулоса қилиш мумкинки, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан шартнома асосида ўқийдиган талабаларнинг стипендиялари қопланмайди. Талабалар ўзлари

¹ 2015-2016 ўқув йиллари учун белгиланган ва кейинчалик бу яна оширилиши мумкин.

² 2015 йил 1 сентябр ҳолатига

³ Ўзбекистон талабалар ёздаги 2 ойлик дам олиш даври учун ҳам стипендия оладилар

тўлаган суммаларни сезиларли қисмини қайтариб олаётганларини инобатга олинса, бюджетдан ташқари манбаларнинг улушини янада оширишни талаб этади.



1-расм. Олий таълим муассасаларида молиявий мустақиллик механизми элементи

Изоҳ: тўлиқ чизик – амалдаги тизим, узук чизик – таклиф этилаётган тизим.

Шу билан бирга, молиявий мустақиллик жорий этилаётган олий таълим муассасалари маблағлари ҳисобидан талабаларга стипендия тўлаш механизмини ўзгартириш. Сабаби, ушбу ҳолатда талаба ва муассаса ўртасидаги икки томонлама молиявий муносабат (таълим тўлови ва стипендия) таълим хизматлари сифатини пасайтириш билан бирга, мустақил таълимни ривожлантиришга тўсқинлик қилади. Буни 4.1-расмда кўриш мумкин.

1-расмда биз томонимиздан таклиф этилаётган методология талаба ва олий таълим муассасалари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга ёрдам беради. Эътибор берсак, амалдаги тизимда икки томон ўртасида тузилган шартнома асосида талаба таълим тўловини амалга оширса, олий таълим муассасаси таълим хизматларини тақдим этади. Лекин олий таълим муассасаси томонидан тақдим этилаётган стипендия шартнома муносабатларини икки томон ўртасидаги келишувни жуфт бўлишини таъминламайди. Бу эса, хўжалик фаолиятини амалга оширадиган муассаса зиммасида давлатнинг ижтимоий вазифаларини юқлаб қўйилишига олиб келмоқда. Натижада, қуйидаги ҳолатлар юзага келиши мумкин:

Олий таълим муассасасининг талабанинг юқори баҳоларга ўқишидан молиявий манфаатдорлиги пасаяди;

Олий таълим муассасаси тақдим этган таълим хизматлари нархларини ҳисоблаб чиқишда пасив тарзда таъсир этувчи омил мавжуд бўлади;

Олий таълим муассасаси молиявий барқарорлигига таъсир этиш вужудга келади.

Бизнингча, талабаларнинг айрим кунлик харажатларини қоплашда таълим муассасасининг маблағларидан эмас, балки давлатнинг ижтимоий вазифасини бажариши нуқтаи назаридан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда ижтимоий ёрдамга муҳтож талабаларга ва талабаларнинг бошқа мустақил сўровларига кўра беғараз ва

қайтариш шарти билан “кунлик харажатлар” учун ойлик тўловларни жорий этиш. Бунда қуйидагиларни инобатга олиш зарур деб ўйлаймиз:

Олий таълим муассасаси “кунлик харажатлар” тўловини талабаларга етказувчи субъект сифатида фаолият олиб бориши;

Талабаларга тўловларни маълум муддатдан кейин қайтариш ёки умуман қайтармаслик шартлари асосида кунлик харажатлар учун тўловларни амалга ошириш.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида олий таълимни ривожлантириш стратегиясини амалга оширишда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

Олий таълим тизимида давлат хусусий шериклик амалиётини ривожлантириш. Бунда иш берувчилар томонидан мустақил танловлар асосида танланган абитуриентлар уларнинг буюртмасига кўра олий таълим муассасаси томонидан имтиҳонларсиз ўқишга қабул қилиниши. Бунда иш берувчи ўзининг бир гуруҳ истиболли танланган абитуриентларини талаба сифатида таълим олишлари учун барча таълим тўловларини тўлаб берадилар. Ўз навбатида, ушбу механизмнинг жорий этилиши қуйидагиларга имкон беради:

– таълим тўловларини тўлашда хусусий манбалардан фойдаланиш имкони юзага келади;

– олий таълим муассасалари абитуриентларни кириш имтиҳонларини ташкил этишига зарурат қолмайди;

– мазкур механизм орқали олий таълим муассасаларини битирган талабалар ишга жойлашишидаги муаммолар тизимли равишда барҳам топади;

– талабларнинг ўқишни муваффақиятли битиришлари учун нафақат ота-оналар, балки иш берувчиларнинг ҳам манфаатдорлиги ошади.

Олий таълим муассасаларида квоталар тизимини бекор қилиб, олий таълим муассасаси сизимкорлиги асосида талабалар қабул қилиш методини жорий этиш.

Олий таълим муассасаларида Кенгашлар томонидан мустақил тарзда мутахассисликларни жорий этишни имконини яратиш;

Олий таълим муассасаларида таянч таълим категориясини беко қилиш орқали мутахассисликларни тайёрлашда фанлар таркибини мустақил белгилаш имконини бериш;

Олий таълим муассасаларининг мамлакат миқёсидаги расмий рейтинги ҳамда бошқа ютуқларини инобатга олган ҳолда таълим учун тўловларни шакллантиришнинг ихтисослашган услубият орқали белгилаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Таъкидлаш лозим, олий таълим муассасасига тўланадиган таълим тўлови билан ўқитувчиларнинг ойлик маошлари ва уларни моддий рағбатлантириш ўртасида боғлиқлик кўзда тутилиши лозим. Бу ҳам бюджет маблағларининг роли ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини англатади.

Мамлакатимизда олий таълим муассасалари молиявий мустақиллиги кенг жорий қилинаётган бир пайтда молиявий ҳужжатларнинг мустаҳкамланмаганлиги кўзга ташланади. Жумладан, таълим тўлови, иш ҳақиға кўшимча устаамалар белгилаш, эндаумант фондларини ташкил этиш ва бошқа молиявий фаолиятларни

тартибга солиш мақсадида “Олий таълимни молиялаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилишни тавсия қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24 январ 2020 йил
2. Квинт В. “Стратегиялаш назарияси ва амалиёти” («Теория и практика стратегирования»). Тасвир нашриёти. 2018 й.
3. <https://www.nobelprize.org/prizes/economic-sciences/2019/press-release/>
4. Human Development Report 2011. P. 162-165.
5. Daniela G., Johanna S. Risks and returns to educational fields – A financial asset approach to vocational and academic education//Economics of Education Review, 2014. - №42. - pp.109–120.
6. Walker I, Zhu Y. Differences by degree: Evidence of the net financial rates of return to undergraduate study for England and Wales//Economics of Education Review, 2011. - №30(6), - pp. 1177-1186.
7. Craig B., John A. Financing education using optimal redistributive taxation. Journal of Public Economics, 2003- № 87. - pp.2549 – 2569.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

